2010 йил 5 август, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (11.712)

Баҳоси эркин нархда




## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Мамлакатимизда қурилиш ва пардоз ашёларига бўлган талаб юқори бўлиб бормоқда. Бу борада энг муҳими харидор талабларига мос, халқаро андозаларга жавоб берадиган ушбу маҳсулотларнинг ўзимизда тайёрланаётганидир.**



Хусусий тадбиркорлик

## ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Бугунги кунда алюмин-пластик маҳсулотлардан кенг фойдаланилмоқдаки, улар ўзининг қатор афзалликлари билан ажралиб туради. «Кристал Акфа» масъулияти чекланган жамиятида ҳам айни пайтда 15 хил рангдаги ҳамда буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда турли ҳажм ва шаклдаги алюмин-пластик эшик, ром ҳамда витражлар йиғилмоқда.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор мени ҳам руҳлантириб юборди, — дейди корхона директори Ботир Абдуллаев. — Аввалига хусусий тадбиркор сифатида иш бошлаган бўлсам, эндиликда кичик корхона ташкил этиб, 12 нафар малакали мутахассисни жамлаганмиз. Буюртмаларни сифатли ҳамда ўз вақтида бажаришда Туркиядан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар қўл келмоқда. Маҳсулот дизайнига алоҳида эътибор қаратилади. Бу харидорларимиз сафи кўпайишида, ишлаб чиқариш ҳажми ортишида катта роль ўйнамоқда. Бозорни ўрганиб, ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланаяпмиз. Хом ашё борасида «Akfa» компанияси билан алоқа ўрнатганмиз.

Корхона томонидан жорий йилнинг ўтган ярмида бир ярим минг квадрат метр маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлинди. Харидор эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда келгусида маҳсулотларни кредитга бериш ҳам режалаштирилган.

Айни кунларда корхонани кенгайтириш учун Собир Раҳимов туманида 150 квадрат метр жой олинган бўлиб, қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Янги ишлаб чиқариш жараёни маҳсулот ҳажмининг ортишига, шунингдек қўшимча иш ўринлари яратилишига имконият очади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: йиғувчилар Жавоҳир Йўлдошев ва Беҳзод Жамолиддинов вазифаларини сидқидилдан бажаришади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

Юй ХУНЦЗЮНЬ:

## ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР ТАҲСИНГА САЗОВОР

**Давлатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй ХУНЦЗЮНЬ билан суҳбатлашди.**

**— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 18 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар барқарор ривожланиб бормоқда. 2005 йили имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарлари тез-тез учрашмоқда. Расмий ташрифлардан ташқари, халқаро анжуманлар доирасида музокаралар ўтказиб, икки томонлама алоқалар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашмоқда. Хитой ва Ўзбекистон ўзаро манфаатли масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро сиёсий ишонч мустаҳкамланиб боргани сайин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик, энергетика, хавфсизлик ва бошқа кўплаб соҳалардаги алоқалар жадал тараққий этмоқда.

Хитой ҳукумати Ўзбекистон раҳбариятининг миллий ва минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини доимо қўллаб-қувватлайди. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Хитой халқидан ёрдамини аямай келмоқда. Хусусан, 2008 йили Сичуань вилоятида юз берган зилзиладан жабрланганларга Ўзбекистондан гуманитар ёрдам юки етказиб берилди.

Халқларимизнинг ўзаро алоқалари бир неча минг йиллик тарихга эга. Икки томон ҳам ўзаро анъанавий дўстлик муносабатларини қадрлайди, ҳозирги замонавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади. Мамлакатимиз ҳукумати 2011 йилдан бошлаб ўзбекистонлик ёшларнинг Хитой олий таълим даргоҳларида бепул таҳсил олиши учун ҳар йили 200 ўрин ажратишни режалаштирган. Ўзбекистонга билим олиш учун келаётган хитойлик ёшлар сони ҳам ошиб бораётир.

Бир сўз билан айтганда, икки томонда ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катта. Зеро, бу ҳамкорлик учун аллақачон қулай ва мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий пойдевор ҳозирланган. Шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Шуни ишонч билан айта оламанки, келгусида давлатларимиз раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши билан, икки томонлама муштарак саъй-ҳаракатлар натижасида Хитой — Ўзбекистон муносабатлари янада юқори босқичларга кўтарилади.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

## РАҚОБАТБАРДОШ КОРХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни экспорт қилиш ҳажми ортиб бормоқда.**

2010 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 14,3 фоизга ўсди. Халқаро сифат стандартларига мувофиқ фаолият кўрсатаётган корхоналар ўз маҳсулотларини сотиш учун янги бозорларни топишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада сертификатга эга корхоналар сони кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилингач, халқаро сифат стандартига ўтиш янада жадаллашди. Ушбу ҳужжатда 2011 йилнинг 1 январигача мамлакатимиздаги 277 корхона ва ташкилотда халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, уларни яна 952 корхонада қўллаш имкониятларини ўрганиш кўзда тутилган.

2010 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, мамлакатимизда 265 корхона халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаган.

Республикамизда 30 дан ортиқ вазирлик ва идора сифатни бошқариш тизимини босқичма-босқич ишлаб чиқиб, жорий этмоқда.

Корхоналар тизимни мустақил ёки маслаҳатчилар ёрдамида жорий этиши мумкин. Сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган консалтинг фирмалар сони 30 тага етди.

Консалтинг фирма ва компаниялари хизматларига бўлган талаб эса ортиб бормоқда. Бозор корхоналардан ўз ишлаб чиқаришига ISO-9001 стандартидан ташқари OHSAS 18001:2007 бўйича саломатлик ва хавфсизликни бошқариш тизими, ISO 14001 экологик менежмент тизими каби бошқа стандартларни ҳам жорий этишни талаб қилмоқда.

«Ўзстандарт» агентлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга оширмоқда. Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат аграр университетида «Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш ва сифат тизимлари» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Айни пайтда мазкур ўқув юртларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган қарийб 400 нафар мутахассис тайёрланди. 2013 йилда уларнинг сони 680 нафарга етказилади. Тошкент кимё-технологиялари институти, Фарғона политехника институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида қўшимча ўқитиш йўналишларини ташкил қилиш ҳисобидан халқаро стандартлар соҳасида ҳам шунча маслаҳатчи тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, хабар беради ЎзА, «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш илмий-тадқиқот институтида ҳам сифатни бошқариш соҳасида кадрлар қайта тайёрланиб, малакаси оширилмоқда.

Агентликдан маълум қилишларича, ушбу институтда иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган тўрт минг нафардан ортиқ мутахассис ўқитилган. Яна олти минг нафардан ортиқ кишининг малака ошириши мўлжалланмоқда.

**В.РУДАКОВА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти томонидан «Ғўзанинг дунёвий хилма-хиллиги генофонди — фундаментал ва амалий тадқиқотлар асоси» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Чилонзор ва Ҳамза туманларида анъанавий «Маҳалла куни» бўлиб ўтади. ЭРТАГА маҳалла фаоллари иштирокидаги шундай байрам тадбирлари Миробод ва Шайхонтоҳур туманларида ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси томонидан ширкатлар раҳбарлари учун умумий мулк масалалари бўйича семинар ўтказилади.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси билан халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қўшма мажлисида Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишга доир қисмининг ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.**
- **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси томонидан «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**
- **Ғиждувон туманидаги Чармгарон мавзесида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш ишлари билан шуғулланаётган «Ғиждувонтехстройпрогрессплюс» хусусий корхонаси фаолият доирасини кенгайтирди: замонавий технология билан жиҳозланган сутни қайта ишлаш кичик заводини ишга туширди. Кунига бир тоннагача сут қайта ишланаётган мазкур корхонада йил охирига қадар бу кўрсаткич икки баравар ортади. Айни пайтда бу ерда йогурт, қаймоқ, қатиқ каби маҳсулотлар бежирим идишларга қадоқланган ҳолда савдога чиқарилмоқда.**
- **Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳарлари ва туман марказларида мева-сабзавотлар, узум, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича байрамолди савдо ярмаркалари ташкил этилди. Ярмаркага маҳсулотларни етказиб беришда Қонликўл, Нукус, Хўжайли ва Чимбой туманлари фермерлари фаол иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Кенияда мамлакат янги Конституцияси лойиҳаси бўйича референдум ўтказилди. Дастлабки маълумотларга кўра кўпчилик аҳоли уни маъқуллаб овоз берган. Таъкидлаш жоизки, янги Асосий Қонунда бош вазир вазифаси қисқартирилиб, мамлакатда икки палатали парламентнинг жорий этилиши кўзда тутилган.**
- **Кеча «Бритиш петролеум» компанияси томонидан «Статик кил» операциясининг биринчи босқичи муваффақиятли амалга оширилди. АҚШ маъмурлари нефть қувури шикастланган жойни цемент билан мустаҳкамлаш ишларига рухсат беришди. Бир ҳафтадан сўнг эса янги «Болтон кил» операцияси амалга оширилиб, унинг доирасида роботлар ёрдамида нефть қувури буткул ёпиб ташланади ва шу тариқа ушбу кондан келгусида умуман фойдаланилмайди.**
- **Покистонда давом этаётган сув тошқинлари натижасида ҳалок бўлганлар сони 1,5 мингдан ошиб, 3 миллион киши хавфсиз жойларга эвакуация қилинди. Ҳозирда улар жойлаштирилаётган мактаблар, мачитлар ва бошқа жойлар қочқинлар билан тўлиб кетган. Озиқ-овқат ва тиббиёт анжомлари етишмаяпти. Бугун БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг махсус вакили Покистонга келиб ушбу мамлакатга кўрсатиладиган халқаро инсонпарварлик ёрдами кўламини белгилайди.**
- **Ироқ жанубидаги Эль-Кут шаҳридаги бозор ёнида иккита портлаш юз берди. Маълумотларга кўра, доимо одамлар билан гавжум бўладиган ушбу ҳудуд яқинида портловчи қурилмалар жойлаштирилган иккита автомобилнинг портлатилиши натижасида 30 киши ҳаётдан кўз юмди. 80 дан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**
- **Германиядаги Бавария федерал ерида август ойининг биринчи кунидан бошлаб жамоатчилик жойларида чекишни тақиқлашга қаратилган қонун кучга кирди. Ушбу ҳудудда қоидани бузганлар Германия тарихида бу борадаги айбдорлар учун татбиқ этиладиган энг қаттиқ маъмурий жазога тортиладилар.**

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги олдидан

## ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

**Айни пайтда юртимиздаги мавжуд 10 мингдан зиёд маҳалла ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни кенг татбиқ этиш, жамиятни модернизация қилиш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ ишлар жараёнида фаол иштирок этмоқда.**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган «Ватан маҳалладан бошланади» мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди. Унда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари раҳбарлари, мутахассислар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Раҳматилла Шералиев мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш, ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини оширишга улкан эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Маҳаллаларда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида жойларда ташкил этилган 12 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирга юз минглаб юртдошларимиз жалб этилди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида икки юздан зиёд болалар спорт майдончалари ва ўйингоҳлар таъмирланди.

Мамлакатимизда ҳар йили август ойининг биринчи ҳафтаси «Маҳалла куни» сифатида нишонланаётгани бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир. 3-10 август кунлари бўлиб ўтадиган ана шундай тадбир доирасида «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам», «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Энг фаол ярашитириш комиссияси» каби танловлар ташкил этилади.

Ёшлар иштирокида турли маданий-маърифий тадбирлар, миллий халқ ўйинлари фестиваллари, кам таъминланган оилалар фарзандларининг юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳати уюштирилади. «Саховат», «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйларида хайрия тадбирлари ташкил этилади.

«Маҳалла куни» тадбирлари, деб хабар беради ЎзА, юртимизда 14-15 август кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашари ва энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги шодиёналарига уланиб кетади.

**Б.ХИДИРОВА**



**«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан Хитойнинг «Alcatel-Lucent Shanghai Bell Co» компанияси ҳамкорлигида 2010-2011 йилларда Ўзбекистонда газ тақсимлаш тизими модернизация қилинади.**

## ГАЗ ТАҚСИМЛАШ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, мазкур ишлар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бажарилади, деб хабар беради ЎзА.

2008 йилда «Alcatel-Lucent Shanghai Bell Co» компанияси «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан газ транспорт тизими объектларини лойиҳалаштириш ва уларни тайёр ҳолда фойдаланишга топшириш бўйича қиймати 77,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган шартнома имзолаган эди. Ҳозирги пайтда лойиҳанинг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, уни экспертизадан ўтказиш ва манфаатдор томонлар билан келишиш ишлари амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида газ қувурларининг электр кимёвий ҳимояси қайта тикланади, трасса бўйлаб радио алоқа ўтказилади, сигналларни ВОЛС (оптик толали алоқа линияси) бўйича узатадиган узунлиги 2 километрлик магистрал тизим ҳамда газ транспорти тармоғи бўйича SCADA тизими (технологик жараёнларни бошқарувчи автоматлашган тизим) ўрнатилган телекоммуникациялар ўтказиш ишлари бажарилади.

Ишлар доирасида SCADA тизимига 5 та компрессор станцияси ва 86 та газ тақсимлаш станциялари, 109 та кран узеллари, 6 та ҳудудий, 1 та марказий ва 1 та заҳира бошқарув пунктларини улаш мўлжалланмоқда. Шунингдек, видеокузатиш ускуналарини монтаж қилиш, автоматлаштирилган телефон станцияси (АТС) ва бошқа тегишли объектларни қуриш кўзда тутилган.

Лойиҳа Хитой Эксимбанкининг 73,6 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит маблағлари ҳамда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг 7,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси таркибига киради. Компания магистрал газ қувурларига эга бўлиб, унинг тасарруфида 24 та компрессор станцияси ва 300 дан зиёд газ тақсимлаш станциялари мавжуд.

**В.НИКОЛАЕВ**

Юй ХУНЦЗЮНЬ:

## ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР ТАҲСИНГА САЗОВОР

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Жорий йил июнь ойида ХХР Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ташриф чоғида мамлакатларимиз раҳбарлари Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Музокаралар якунида турли соҳаларда ҳамкорликка оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди. Бу икки мамлакатнинг дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларига янги суръат бахш этади, албатта.

**– Маълумки, жорий йил 10-11 июнь кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу саммит ва Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги хусусида фикрингизни билмоқчи эдик.**

– Юксак савияда ташкил этилган бу саммит иштирокчилар сонининг кўплиги билан аввалгиларидан ажралиб туради. Унда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари, кузатувчи ва Ўзбекистон томони таклиф этган давлатлар вакилларидан ташқари, БМТ, МДҲ, ЕврАзЭС ва ОДКБ каби халқаро ташкилотлардан юқори мартабали меҳмонлар ҳам қатнашгани диққатга сазовор. Иштирокчилар сонининг йил сайин ортиб бораётгани дунё миқёсида ШҲТнинг нуфузи муттасил юксалаётганидан далолат беради. Анжуманда ШҲТнинг Тошкент декларацияси қабул қилинди, ШҲТга янги аъзолар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда ташкилот процедуралари қоидалари тасдиқланди. Бу ҳужжатлар ҳам ташкилотнинг, ҳам унга аъзо давлатларнинг ривожланишида бирдек муҳимдир. Тошкент саммити ўзининг мазмун-моҳияти ва юксак натижалари билан ШҲТ тарихидан алоҳида ўрин олади.

Тошкент саммитининг муваффақиятли ўтишида Ўзбекистоннинг раис сифатида амалга оширган кенг кўламли ва изчил ишлари муҳим омил бўлди. Бу даврда Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, уларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, ташкилотнинг халқаро мавқеини юксалтириш борасида улкан ишларни амалга оширди. Бу ШҲТнинг барча аъзолари томонидан юксак баҳоланди.

**– Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида нима дея оласиз?**

– Сўнгги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиёт муттасил ривожланиб, ижтимоий ҳимояга эътибор янада оширилмоқда. Мамлакатингиз ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётир. Халқаро молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётган оғир шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ўз вақтида амалга оширилган қатор инқирозга қарши чоралар, жумладан, йирик корхоналарни реконструкция қилишни жадаллаштириш, экспортни рағбатлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хориж сармояси жалб этишни кенгайтириш борасидаги ислоҳотлар боис мамлакатингиз ушбу бўҳрондан деярли зарар кўрмади. 2009 йили Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани буни яққол тасдиқлайди. Жорий йилда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида катта имкониятларга эга. «Ўзаро манфаатдорлик ва умумий муваффақият» тамойилига таянган ҳолда икки мамлакат ҳам ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини муттасил кенгайтирмоқда. Глобал иқтисодий бўҳронга қарамай, мамлакатларимизнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиши туфайли ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жадал ошмоқда. 2009 йили бу кўрсаткич 18,9 фоиз юксалиб, қарийб 2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Сармоявий ҳамкорлик кўлами ҳам муттасил кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон бозорига қизиқиш билдираётган, мамлакатингизга сармоя киритиб, қўшма корхона ташкил этиш ниятида бўлган хитойлик ишбилармонларнинг сони ортиб бораётир. Қўнғирот сода заводи, айни пайтда барпо этилаётган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Тўқимачи-Ангрен темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси Хитой-Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигига ёрқин мисол бўла олади. 2009 йилнинг охирида "Хитой-Ўзбекистон" газ қувурининг биринчи тармоғи ишга туширилди. Жорий йилнинг сўнгги ойларида унинг иккинчи тармоғини ҳам қуриб битказиш режалаштирилган. Айтиш жоизки, Хитой ва Ўзбекистон учун энергетика, нохомашё, юқори технологиялар соҳаларида улкан имкониятлар эшиги очилмоқда.

**– Ўзбекистонда истиқлол йилларида рўй берган ўзгаришлар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.**

– Президент Ислом Каримовнинг оқилона раҳбарлиги туфайли Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан ўзининг тўғри ривожланиш йўлини танлаб олди ва изчил, босқичма-босқич ислоҳотларни амалга ошириб келмоқда. Сиёсат ва суд-ҳуқуқ тизимида қатъият билан амалга оширилган ўзгаришлар, барқарор молиявий сиёсатга амал қилиниши нафақат Ўзбекистон мустақиллигини, суверенитети ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, балки мамлакатингиз иқтисодиёти жадал ривожланишида ҳам муҳим омил бўлмоқда. «Ўзбек модели» негизидаги беш тамойил улкан аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатингиз молиявий-иқтисодий ривожланишида муҳим асос бўлди. Марказий Осиёда етакчи мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонда иқтисодиёт изчил ривожланаётгани кузатилмоқда. Мамлакатингиз мавқеи дунё миқёсида юксалиб, унинг минтақавий ва халқаро масалаларни ҳал этишдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Бу эса хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, умумий юксалишга эришишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи саъй-ҳаракатларининг самараси, ислоҳотлар шарофати билан эришилган ютуқларнинг ёрқин намунасидир.

Пекинда 2009 йилнинг апрель ойида Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг хитой тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу асарда баён этилган иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси Хитой жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда истиқлол йилларида рўй берган ўзгаришлар таҳсинга сазовордир, «ўзбек модели» ҳаётбахшдир, шу боис у халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик айёми билан чин юракдан муборакбод этаман. Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, бахт-саодат, фаровонлик, мамлакатингизга янада юксак тараққиёт тилайман.

**ЎзА мухбири**
**Ирода УМАРОВА**
**суҳбатлашди**

**Ёзги мавсумда бахтли кичкинтойларимизнинг орзиқиб кутган кўнгилли ҳордиқ онлари одатдагидек республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги энг баҳаво, соя-салқин бўлган соғломлаштириш оромгоҳларида ўтмоқда. Айни пайтда уларнинг мириқиб дам олиши учун барча шароитлар яратилган, хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган.**

Ёз-2010

## ОРОМГОҲДА – САБОҚ МАКТАБИ

Соғломлаштириш мавсумида асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, маданий-маърифий, спорт тадбирларини ўтказиш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш масалаларига қаратилди. Ҳар бир оромгоҳда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхона, турли тўгараклар ташкил этилиб, кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда. Чунончи, оромгоҳлараро кўрик-танловлар, спартакиадалар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашув ва суҳбатлар, турли саёҳатлар уюштириш кун тартибидан жой олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғолди гўшаларига кўнгилли ҳордиқ чиқаришга келган болажонларимизнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган оромгоҳ раҳбарларининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳофаза сабоқларидан хабардор бўлиши талаб этилади. Шу боис Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси мутахассислари томонидан етти соатлик дастур асосида 20 нафар оромгоҳ раҳбари ўқитилди. Фуқаро муҳофазасига оид қўлланмалар ва плакатлар ҳам берилди.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қатор муҳофаза тадбирлари ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, оромгоҳларда амалий ўқув семинарлар, шунингдек болалар ўртасида «Ёш қутқарувчилар» мусобақалари ўтказилди. Бу тадбирларда шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бош бошқармалари, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, бошқа мутасадди ташкилотларнинг вакиллари фаол иштирок этди.

**Азамат СУЮНОВ**

**Мустақиллик биз учун улкан имкониятлар эшигини очиб, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топишга замин яратди. Шу боис юртимизнинг ҳар бир фуқароси мустақилликни бебаҳо неъмат сифатида қадрлаб, уни асраб-авайлашга, юрт ободлиги, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаётир.**

Мардлар қўриқлайди Ватанни

## ҚАТЪИЙ МАҚСАД ПОСБОННИ ИЛҒОРЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида барча соҳалардаги янгиланишлар, ўзгаришларни кўриб, қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлади. Айниқса, бунёдкорлик ишларининг кўлами йилдан йилга кенгайиб, шаҳар ва қишлоқларимиз ўзгача чирой очмоқда. Ҳа, юртда тинчлик бўлса, осойишталик ҳукмронлик қилса, Ватан обод, халқ фаровон бўлади. Мана шу фаровон ҳаётни таъминлашда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонларимизнинг ҳиссаси беқиёсдир.

Айни кунларда қисм ва бўлинмаларда ўқув йили режасига асосан дала-ўқув машғулотлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Ҳарбий хизматчилар соҳалари бўйича билим ва малакасини ошириб, янада кўпроқ тажрибага эга бўлишга интилмоқда. Машғулотларда ҳар бир ҳарбий хизматчининг маҳорати яққол намоён бўлиб, қўлга киритаётган ютуқлари мисолида юртимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўласиз.

Бундайин ўта масъулиятли вазифани бажаришнинг нечоғлик шарафли эканлигини англаган ҳарбий хизматчиларимиз ҳамиша ўқиб-ўрганиб, айтиб ўтилганидек, билим ва маҳоратини ошириб бормоқда. Бунинг учун барча қисм ва бўлинмаларда зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, машғулотлар кўргазмали қуроллар, макет ва плакатлар асосида тажрибали офицер, сержантлар томонидан олиб борилаётир. Жанговар қурол-аслаҳа ва техникадан фойдаланиш сир-асрорларини пухта ўзлаштирган, дала-ўқув машқларида ҳар томонлама тобланиб, чиниққан ҳарбийларимиз бугун олдига қўйилган вазифаларни юксак даражада адо этиб, тинчлигимиз ва осудалигимизни муносиб ҳимоя қилмоқда.

Дарҳақиқат, чинакам мардлик, фидойилик йўлини танлаган посбонлар кун сайин янгиланаётган миллий армиямизни янада шакллантириш, мудофаа қудратимизни мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида бор куч ва билимини, имкониятларини ишга солиб, шу Ватан меҳри билан ёниб яшамоқда.

Эрта тонгда полигонга етиб келар эканмиз, ҳарбий хизматчилар учун яратилган шароитларни кўриб қувондик. Амалий машғулотлар майдончаси, маънавий-маърифий ва жисмоний тайёргарлик хоналари, дам олиш, маиший хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хоналарда етарли қулайлик ва имкониятлар мавжуд.

Саф майдончасида ўтказилган саф кўриги жараёнида шахсий таркибнинг жанговар вазифани бажаришга қай даражада шай эканлиги масъул офицерлар томонидан текширилиб, яхши баҳоланди. Гуруҳлар қўйилган топшириқни бажариш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Муҳит ўзаро дўстона муносабат асосига қурилгани, уюшқоқлик, жипслик ва ҳамжиҳатлик муваффақиятга етаклаётганини англадик.

– Лейтенант Д.Мамажоновнинг жамоаси қисмдаги энг илғор гуруҳлардан бири ҳисобланади, — дейди взвод командири офицер Бобожон Жумаев. — Гуруҳ командирининг масъулиятлилиги, билимдонлиги ва тажрибаси уларни илғорлар сафига олиб чиққан бўлса, қўл остидаги посбонларнинг уюшқоқлиги ва маҳорати ҳар қандай вазифани юксак савияда бажариши учун муҳим омил бўлмоқда. Бугунги дала-ўқув машғулотини ўтказиш мобайнида ҳам гуруҳ шахсий таркибининг бир-бирини тушунган ҳолда, жипслик билан ҳаракат қилиши топшириқнинг аниқ бажарилишини таъминлади.

– Дала-ўқув машғулотларида кўп бора иштирок этиб, бу каби жанговар вазифаларни муваффақиятли бажарганмиз, — дейди гуруҳ командирининг ўринбосари, сержант Баҳром Бозоров. — Шу боис гуруҳимиз ҳамиша илғорлар сафида бўлиб келаяпти. Чунки сафимизга қўшилган ҳар бир кичик командирнинг ўз ўрнини топиши, жамоада ҳурмат қозонишига замин яратамиз. Бу улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, билим ва маҳорати ошиши, вазифани уюшқоқлик билан адо этишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дала-ўқув машғулотларидан олдин гуруҳ шахсий таркиби жисмоний тайёргарликка ҳам алоҳида эътибор беради. Чунки тоғли ҳудудда бир неча кунлаб ҳаракат қилиш ва жанговар вазифани муваффақиятли бажариш посбондан катта жисмоний куч талаб қилади. Шунингдек, тайёргарлик мобайнида ҳарбий хизматчилар турли тўсиқлардан ўтиш, ҳужум вақтида бир-бирларини ҳимоя қилиш, қулай жой танлай билиш каби машғулотлар бўйича ҳам билимини ошириб боришяпти. Бу каби пухта тайёргарликлар уларнинг вазифани муваффақиятли бажаришида улкан замин яратмоқда. Бундан кўриниб турибдики, гуруҳда ўз касбининг моҳир усталари, ҳақиқий профессионаллар жамланган ва улар сафдошларини ҳам изларидан эргаштира олишади.

Ҳа, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз сафлари ҳар томонлама етук, ўз соҳасининг билимдони бўлган, ватанпарвар, шарафли ва масъулияти касбни ҳаёти мазмуни, деб билган Ватан ҳимоячилари билан бутланиб бормоқда. Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, бу каби дала-ўқув машғулотлари юрт ҳимоячиларининг юксак касбий маҳоратга, мустаҳкам иродага, ўз халқига, Ватанига садоқатли ва матонатли посбон бўлишдек олижаноб туйғуга эга бўлишида муҳим омил ҳисобланади.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**кичик сержант**

